

Майитга савоби етадиган нарсалар



18:56 / 14.03.2017 5525

Майитга савоби етадиган нарсалар

Майитга савоби етадиган нарсалар: Майитнинг дуо, истиффор, садақа ва ҳаж каби баданий-молиявий ибодатлардан манфаат олишига барча уламолар иттифоқ қилишган.

Яҳё ибн Саъиддан ривоят қилинади:

«Саъийд ибн Мусайаб: «Албатта, киши ўзидан кейин боласининг қилган дуоси ила (охиратдаги даражаси) кўтарилади», дер ва икки қўлини осмон томон кўтариб ишора қилар эди».

Имом Молик ривоят қилган.

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Майит ўлганидан кейин унинг даражаси кўтарилади. Шунда у:

«Эй Роббим, бу нимадан?» дейди.

«Боланг сенга истиғфор айтди», дейилади».

Бухорий «Адабул-муфрад»да ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убоданинг онаси у йўқлигида вафот этди. Шунда у:

«Эй Аллоҳнинг Расули, онам менинг йўқлигимда вафот этди. Агар унинг номидан бирор нарса садақа қилсам, унга манфаати бўладими?» деди.

«Ҳа», дедилар у зот.

«Сизни гувоҳ қилиб айтаманки, мевали боғим унга садақа бўлсин», деди».

Бухорий, Термизий ва Насай ривоят қилганлар.

Ҳанафийларнинг кучли қавллари бўйича, қорилар қабрнинг олдида ўтириб қироат қилса бўлади. Бошқа жойлардаги қироатнинг савоби етиши ҳақида ҳам шубҳа йўқ. Чунки Қуръон қироати бўлган жойга раҳмат ва барака нозил бўлади. Қуръон қироатидан кейинги дуонинг қабул бўлиши осон. Тўрт мазҳабнинг барчаси Қуръон қироатининг савоби ўтганларга етишига иттифоқ қилган.

Бизда турли сабабларга кўра, хусусан, ўтган даврда дин таълимотларидан узоқлашиб кетиш оқибатида ўтганларни йўқлаш деганда, «уч», «етти», «йигирма», «қирқ», «эллик икки», «йил оши», «пайшанбалик» ва бошқа номлардаги худойи ва маросимлар тушуниладиган бўлиб қолган. Бу каби маросимлар кўзга кўринадиган, бировлар биладиган бўлгани учун, «одамлар гапирмасин», «маҳалла нима дейди» каби мулоҳазалар юзасидан ҳам қилинади. Яна бунда бошқаларга ўзини кўрсатиш имкони ҳам бор. Энг асосий омиллардан бири – осон қутулиш. Шу ишларни қилиб қўйиб, бурчни адо этдим, деган даъво қилинади.

Аслида эса маросим ўтказиш тирикларнинг вафот этганлар учун қиладиган ишлари рўйхатида энг охириги ўринда туради. «Уч», «йигирма», «қирқ», «йил» ва бошқа номлар билан аталадиган маросимлар эса шариатда

умуман йўқ. Катта китобларда ҳам, кичикларида ҳам, арабчасида ҳам, ажамчасида ҳам бу номларнинг бирортасини топиб бўлмайди. Китобларда «Мотам муносабати ила қилинадиган таом «вазийма» дейилади» деган гап бор, холос. Лекин ўша вазийманинг куни, ҳажми, унга пишириладиган таомнинг тури ва бошқа нарсалари белгиланган эмас. Бундай эҳсонни киши ўзидан, оиласидан, қарамоғидагилардан орттирганида, балоғатга етмаган болаларнинг ҳаққини аралаштирмай, кўнгли истаган пайтда қилиши мумкин. Бунга турли бидъат-хурофотларни аралаштирмаслик шарт.

Ўтганларни, хусусан, ота-оналарни йўқлаш, руҳларини шод қилиш ва ортларидан савоб юбориш ҳақида сўз юритилар экан, қуйидаги ҳадиси шарифни ёдга олиш зарур бўлади.

Анас ибн Моликдан эшитган кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Албатта, амалларингиз ўлган яқинларингиз ва қариндошларингизга кўрсатилур. Агар яхши бўлса, улар башорат олурлар. Агар бошқача бўлса: «Аллоҳим, бизни ҳидоят қилганинг каби ҳидоят қилмай туриб, уларни ўлдирмагин», дейишади».

Аҳмад ривоят қилган.

Демак, вафот этган ота-онамиз ва яқинларимизни ёдлашимиз йилда бир ёки икки марта ёзиладиган дастурхон пайтидагина эмас, ҳамиша, ҳар лаҳзада бўлиши лозим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(ижтимоий одоблар китобидан)